

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди  
хузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши тўғрисида  
Н И З О М**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши (бундан буён матнда илмий-маслаҳат кенгаши, кенгаш деб юритилади) “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 81-моддасига мувофиқ тузилган, Олий суд Пленумининг қарорлари лойиҳалари ҳамда судлар томонидан қонун ҳужжатларини қўллаш юзасидан суд амалиётида келиб чиқадиган масалалар бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқадиган маслаҳат органи бўлиб, унинг фаолияти ушбу Низом билан тартибга солинади.

2. Илмий-маслаҳат кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан тасдиқланади.

3. Илмий-маслаҳат кенгашига Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси раҳбарлик қилади. Илмий-маслаҳат кенгаши раиси бўлмаган пайтда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари ёки ўринбосарларидан бири бажаради.

4. Илмий-маслаҳат кенгаши раиси томонидан кенгаш таркибидан илмий котиб тайинланади.

5. Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади.

6. Илмий-маслаҳат кенгашининг мажлислари кенгаш раиси томонидан заруратга кўра чақирилади.

**2-боб. Илмий-маслаҳат кенгашининг таркиби  
ва асосий вазифаси**

7. Илмий-маслаҳат кенгашининг таркиби - кенгаш раиси, кенгаш раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, илмий котиб, ҳуқуқшунос олимлар, судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, адвокатлар ва бошқа соҳа мутахассисларидан иборат таркибда тузилади.

8. Илмий-маслаҳат кенгаши соҳаларга кўра, қуйидаги йўналишларга бўлинади:

- а) жиноят ҳуқуқи бўйича;
- б) фуқаролик ҳуқуқи бўйича;
- в) маъмурий ҳуқуқ бўйича;
- г) иқтисодий ҳуқуқ бўйича.

#### 9. Илмий-маслаҳат кенгаши раиси:

илмий-маслаҳат кенгаши фаолиятини мазкур Низом асосида ташкиллаштиради;

илмий-маслаҳат кенгаши мажлисларида кўриладиган масалалар доирасини белгилайди;

илмий-маслаҳат кенгаши мажлисларида раислик қилади ва қабул қилинган қарорларни имзолайди;

илмий-маслаҳат кенгаши қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ишини ташкил этади;

илмий-маслаҳат кенгаши илмий котиби ва аъзоларига топшириқлар беради;

илмий-маслаҳат кенгаши томонидан билдирилган тавсияларнинг жорий этилишини таъминлаш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ишлаб чиқиладиган қонун ва қарорлар лойиҳалари ҳамда қабул қилинган қарорлар ҳақида илмий-маслаҳат кенгашини хабардор этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### 10. Илмий-маслаҳат кенгаши раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари:

ўзларининг соҳалари бўйича илмий-маслаҳат кенгаши аъзоларининг фаолиятига доир вазифалар бажарилишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

илмий-маслаҳат кенгаши мажлисларида кўриб чиқиш учун масалаларни киритади;

илмий-маслаҳат кенгаши раисининг топшириқларини бажаради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### 11. Илмий-маслаҳат кенгаши илмий котиби:

илмий-маслаҳат кенгашининг иш режаларини тузади ва уларнинг бажарилиши ҳамда кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси амалга оширилиши устидан назорат қилади;

илмий-маслаҳат кенгаши фаолияти ва мажлисларини ташкиллаштиради, кенгаш аъзоларини зарур ҳужжатлар ҳамда материаллар билан таъминлайди;

илмий-маслаҳат кенгашининг иш фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиб боради;

илмий-маслаҳат кенгаши раисининг топшириқларини бажаради.

12. Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари:

тегишли йўналишда суд амалиётини таҳлил қилиб боради;

илмий-маслаҳат кенгаши мажлисларида қатнашади ҳамда илмий асосланган тавсия ва хулосалар лойиҳасини ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисларида иштирок этади, ўз мутахассислиги ва муҳокама қилинаётган масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиради;

мазкур Низом ва илмий-маслаҳат кенгаши иш режаларидан келиб чиқадиган бошқа вазифаларни бажаради.

13. Илмий-маслаҳат кенгашининг асосий вазифаси қонун ҳужжатларини қўллаш жараёнида суд амалиётида юзага келадиган муаммолар бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

### **3-боб. Илмий маслаҳат кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

14. Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш натижалари тўғрисидаги маълумотномаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

илмий-маслаҳат кенгаши тавсияларини амалга оширишда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди материаллари билан танишиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисларида қатнашиш.

15. Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари қуйидаги мажбуриятларга эга:

илмий-маслаҳат кенгаши раиси ёки унинг ўринбосарларининг таклифига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд ҳокимиятини

амалга оширишда вужудга келган низоли масалалар бўйича илмий асосланган тавсия ва хулосалар тайёрлайди;

қонунчиликнинг долзарб муаммолари ва судлар фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича маърузалар ўқийди, ахборотлар беради.

#### **4-боб. Илмий-маслаҳат кенгашининг иш тартиби**

16. Илмий-маслаҳат кенгашининг иш режаси кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

17. Илмий-маслаҳат кенгашининг мажлислари заруратга кўра ўтказилади. Мажлиснинг ўтказиладиган вақти ва жойи тўғрисида кенгаш илмий котиби олдиндан хабар беради.

18. Илмий-маслаҳат кенгаши мажлисларида судьялар, суд ходимлари, корхона, муассаса, ташкилотларнинг раҳбарлари, илмий ходимлар, бошқа шахслар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши мумкин.

19. Илмий-маслаҳат кенгаши мажлислари ижодий баҳслар, фикрни эркин билдириш муҳитида ўтказилади. Ҳар бир кенгаш аъзоси ва мажлис иштирокчиси муҳокама қилинаётган масалалар бўйича ўз фикрини ва таклифини билдириши мумкин.

20. Муҳокама қилинган масалаларнинг натижалари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар илмий-маслаҳат кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали қарор шаклида қабул қилинади ва қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Илмий-маслаҳат кенгаши аъзоси кенгаш қароридан норози бўлган тақдирда, ўзининг алоҳида ёзма фикрини ушбу қарорга қўшиб қўйиш ҳуқуқига эга.

21. Илмий-маслаҳат кенгаши ишини техник жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсати котибияти томонидан амалга оширилади.

22. Илмий-маслаҳат кенгаши мажлисида баённома ёзиб борилади. Баённома раислик қилувчи ва илмий котиб томонидан имзоланади.

#### **5-боб. Якуний қоидалар**

23. Илмий-маслаҳат кенгашининг иш фаолияти кенгаш мажлисида муҳокама этилади ва заруратга қараб, бироқ камида йилига бир марта унинг фаолияти ҳақидаги ахборот Олий суд Пленумининг мажлисида тингланади.

24. Ушбу Низомнинг талаблари бузилиши ҳолатлари аниқланганда илмий котиб уч кунлик муддатда илмий-маслаҳат кенгаши раисини ёзма равишда хабардор қилади.